

ОЛАМ МИФОЛОГИК МАНЗАРАСИДА АЛВАСТИ МИФОЛОГЕМАСИНИНГ ТАЪРИФИ

¹ Кдырбаева Г.К., ² Бегжанова Камила Арисланбаевна

¹ Нукус давлат педагогика институти

² Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация: Лингвокултурология замонавий лингвистиканинг аспектидан бири бўлиб, жонли миллий тилнинг муайян бир этник гуруҳ маънавий-маданий ҳаётида намоён бўлишини ўрганади. Тилнинг асосий функциялари тил ва маданият инъикосида қандай амалга оширилишини аниқлаш ва тушунтириш имконини беради, ушбу ҳолат қандай воситасилар ёрдамида маданият яратилади, ривожлантирилади, сақланади ва кейинги авлодга етказиб берилади каби масалалар ўрганилади. Маданий база асосида оламнинг миллий-лисоний манзараси матн ёрдамида очиб берилади.

Калит сўзлар: Мифлар, афсоналар, маросимлар, фолклор ва диний дискурслар.

Мифлар, афсоналар, маросимлар, фолклор ва диний дискурслар, бадиий матнлар, фразеологик бирликлар, мақоллар, маталлар, ривоятлар ва урф-одатларда акс эттирилган рамзий, мажозий-метафорик характердаги инсон онги архетипик ва прототипик тушунчаларин вербаллаштирувчи лисоний бирликлар лингвомаданий тадқиқотларнинг объекти ҳисобланади.

Лингвомаданий бирликлар ҳар хил дискурсларда турлича фаолият кўрсатиши мумкин, жумладан, қорақалпоқ лисоний олам манзарасида “ҳаял” концепти бир қанча ракурсларда тадқиқ қилинади, ҳар бир тадқиқотда қорақалпоқ миллий олам манзараси ўзига хос жиҳатларда таърифланади: архетипик образи “*Ҳаёа ене*” (дунё яратилишидаги биринчи она образи); мифологияда мифологема “*Уммай ана*” (туркий халқлар мифологиясидаги ОНА мифологемаси); фразеологик фондида фразеологик бирлик “*Анасын*

көрип қызын ал” (тарбиявий мазмундаги фразеологик бирлик); метафорик воситалардан эса “Ақ жаўлықлы” (Оқ румолли, катта ёшдаги момо кампир) кабилар мисол бўлади. Кўриб турганимиздек, ҳар бир лисоний бирликлар ёрдамида вербаллашган маданий маълумотлар имплицит характерда ифодаланган.

Архетип ва мифологемалар ҳам лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот предмети бўлиб, бунда миф персонажи ёки холатлари мифологема ёрдамида ифодаланувчи лисоний воситалар ҳисобланади. Миф замирида архетип маълум бир этник гуруҳ вакилининг индивидуал маданий онгидаги барқарор образ сифатида ўрганилади.

Бадиий матннинг лингвистик-маданий таҳлили тил ҳодисасини (герменевтика, семиотика) ўрганишнинг ўзига хос усулларидан фойдаланишни тақозо этади, бу эса матн мазмуни ва экстралингвистик омиллар билан ишлаш имконини беради. Ишнинг бу шакли матнни миллий ва умуминсоний маданиятнинг ташувчиси ва эгаси сифатида англаш учун шароит яратади [Бабаицева, Беднарская 1997: 57-61].

Тилшуносликда мифологик тафаккур оламнинг мифологик манзарасин шакллантиришдаги асосий қисм сифатида олинади, чунончи объектив воқеликни акс эттириш фаолияти лисоний бирликларнинг махсус қатламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, мифологик тушунчалар асосида қурилган мифологик олам манзараси инсоннинг кундалик онги билан чамбарчас қисм сифатида қабул қилинади.

Мифологик концептосферани ташкил қилувчи концептлар, анъанавий равишда жамоавий онг бирликлари сифатида талқин қилинади, ва улар акс эттириш мумкин бўлган олам объектларин, муайян бир тилда сўзлашувчиларнинг миллий хотирасида вербал ҳолда сақланиб қолган бирликлар ёрдамида ифодаланади, чунончи улар тадқиқот ишларида мифологик концептлар, мифоконцептлар, мифологемалар каби атамалар билан номланиши кўзатилади [Плахова 2013:30]. Айрим мифологик

концептларнинг вербализаторлари тилшуносликда атрофимиздаги воқеликда денотацияга эга бўлмаган номлар сифатида тавсифланади [Бабушкин 1997:44], масалан, *мәмелек* (ўрмонзор, дала ёки одам юрмайдиган ёрларда одамни адаштирадиган эркак сифат жин-шайтон), *албаслы* (хотин-қизларга зиён келтирадиган, ташқи кўриниши ва хулқ-атвори беадаб махлуқ сифат одамларга қарата ишлатилган, асосан хотин-қизларга нисбатан), *жалмаўыз* (шарқ халқ ижодларининг эртакларида кенг тарқалган хунук қари кампир) ва бошқалар. Шунга қарамай, ақлий идрокдан ташқари ҳолатни ифодаловчи реал воқеликда мавжуд бўлмаган номинация лексемалари ва акс эттирувчи кўрсаткичлари объектив оламнинг реал ҳодисалари билан боғланган элементлари ёрдамида вербаллашган.

Мифологемалар у ёки бу маданий аҳамиятга эга бўлган сўз концептлар билан биргаликда маданий концептларни ташкил қилади, бу ҳолатларда улар олам манзарасининг концептуаллашувида иштирок этади. Мифологик концептлар анъанавий маданият ташувчиларининг жамоавий онгида мустаҳкам ўрнашган ва окказионал характерга эга эмас бирликлар бўлади, масалан қорақалпоқ халқ эртакларидаги “мәстән кемпир” мифологемаси миллий олам мазарасида қуйидаги характерга эга “тинч халқга ёмонлик қиладиган, ҳар хил хийлалар билан бахтли хаёт кечарётган инсонларнинг турмишига аралашиб муаммолар гирдобида қолдирадиган” мифологема. Ваҳоланки, ушбу мифологеманинг идентификаторлари “*мәстән*”, “*мәстән мама*”, “*мәстән ана*”, “*мәстән кемпир*” каби бирликлар бўлиб, улар қорақалпоқлар жамоавий онгида ўзгармас характерда қабул қилинган, негатив коннотациядаги мифологема сифатида вербаллашади. Айнан шу тушунчадан келиб чиқиб, мифологемаларни қорақалпоқ халқининг мифологик олам манзарасин ҳосил қилишда қўлланиладиган характерли сўз туркумлари сифатида кўриб чиқамиз.

Инсоннинг энг қадимги дунё, худолар ва руҳларнинг ҳаёти ҳақидаги мифологик тушунчалари мифларда мифологемалар ёрдамида акс эттирилган

ва бу ғоялар маданий кодларни ташкил қилади. Мифологиядаги мифологеманинг семантикаси антик даврга чуқур кириб борган махсус архетипик метафорик белгилар билан боғлиқ. Тилдаги қадимий символ ва стереотипларга таяниб, бошқа дискурсларда мифологемалар вербаллашуви мумкин.

Мифологемалар семантик талқини миллий маданиятлар призмаси наздида атроф-муҳитни оламнинг лисоний ва миллий манзарасининг концептуаллашган ва туркумлашган ўзига хос хусусиятларин очиб беришга имкон берди. Туркий халқлар (ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва ҳ.к.) мифларининг концептуализацияси уларнинг лисоний олам манзарасидаги ўхшашлик ва фарқли хусусиятларин аниқлашга ёрдам беради.

Тадқиқотда лингвистик материални таҳлил қилиш учун умумий илмий ва лингвистик усуллар комплекс таҳлил учун қўлланилади: типологик, қиёсий, эмпирик материаллар лингвомаданий ва таркибий таҳлил усулларида таҳлил қилинади.

Ижтимоий онгнинг шаклланиш омилларини таҳлил қилиш турли маданиятларнинг ўзаро муносабатларини ва уларни тушуниш механизмларини тадқиқ қилиш имкониятларини вужудга келтирди. Бу тилшуносликда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларининг тадқиқ қилинишига асосланган янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Тилда лисоний онг ва маданий қадриятлар (жумладан маданий категориялар ва қўрилмалар) объектив олам тасвирининг ментал моделлари қўринишида акс этади ва ифодаланади. Шу асосда, тилда маданий анъаналар контекстга таянган ҳолда оламни миллий идрок қилиш ва тушуниш категориялари шаклланади.

В.В.Воробъёвнинг таъкидлашича, лингвомаданияшунослик аспектининг асосий лисоний бирлиги лингвокультурема ҳисобланади, жумладан В.А.Маслова лингвомаданий лисонларни (лингвокультурема) асосан тўққиз турга таснифлайди: эквивалентсиз лисон ва лакуналар;

мифлашган лисонлар (афсона, дастурлар, урф-одатлар, маросимлар, мифологема ва архетиплар); паремиологик фонд; фразеологик фонд; символ, стереотип, эталонлар; метафора ва образлар; стилистик тузум; муомала тарзи; муамала этикети [Маслова 2007:36-37].

Юқорида келтирилган тил ҳодисаларининг ичидаги қизиқиш ўйотгани бу мифлашган лисонлар яъний мифологемалар бўлди. Маълумки, миф фалсафа, сиёсат, маданиятшунослик, фольклоршунослик, психология, тилшунослик каби бир қанча соҳаларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Миф деганида дунёнинг табиий ва маданий яратилишида иштирок этган Худо ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлар тушунилади. Жумладан мифларда асосан дин, фалсафа, илм-фан ва санъатнинг бошланғич тушунчалари ўз аксини топади.

«Одам» концептосферасининг миф ва афсоналарда воқеланиши жуда долзарб масала деб биламиз, чунончи инсоннинг ер юзида пайдо бўлишининг ўзи миф ва афсоналар билан чамбарчас боғланган. Жумладан, ҳар бир мифни воқелантирувчи мифологемалар одамнинг пайдо бўлиши, одам билан боғлиқ бир қанча масалалар асосида оғиздан-оғизга тарқалиб ва ҳозирги кунгача ҳар хил кўринишларда етиб келганлигин кўришимиз мумкин.

Олам мифологик манзарасин воқелантирувчи мифологемалар ҳақида илмий фараз ва таърифларни қўйидаги турларда таърифлаш мумкин: мифологема бу архетип синоними (Т.В.Бовсуновская); мифологема бу миф атоми, мифни ифодаловчи минимал тизим (С.Ю.Гуцол); мифологема бу архетипнинг конкрет тимсоли (Ю.В.Вишницкая, В.А.Маслова, С.И.Линченко, А.С.Циганков, Ю.А.Иванова, О.В.Коляда); мифологема бу мифларни таърифловчи лисон (И.Т.Вепрева, Т.А.Шадрин); мифологема бу маданият хотираси, жамият виждони ва миллатлараро мулоқат воситаси (Е.Ю. Ильинова). Мифологемага берилган таърифлардан биз Ю.В.Вишницкая, В.А.Маслова, С.И.Линченко, А.С.Циганков, Ю.А.Иванова, О.В.Колядаларнинг фикрига қўшилаемиз. Чунончи миф бу муайян бир

жамиятнинг бошланғич яшаш тарзидан авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган маълумотлар базаси.

Албасти мифологемаси туркий халқларининг мифологиясида кенг тарқалган бўлиб, у бир хил номнинг турли хил вариантларида учрайди: Албасти - Қозон, Қрим, Ғарбий Сибир татарлари орасида (айрим ҳолларда сари чеч - сариқ сочли), албарсты – қирғизларда, алвасти – ўзбекларда, албаслы — қозок, қорақалпоқ ва нўғайларда.

Демонимик мифологема “Албаслы” ҳақидаги Е.К.Молчановнинг маълумотларига кўра, ушбу лисон *Albasti*нинг негизи *Al* ва *Kivina* мифологик қаҳрамонлар билан боғлиқ бўлиб. Автор улар ҳақидаги маълумотларни эрон заостризм мифологиясидаги чақалоқ туғилиши билан боғлиқ анъана ва дастурлардан топган [Молчанов 2020: 242]. Алвасти/албаслы/*almasti*/Шайтон кизи/болалар ўғриси – ташқи кўринишдан жуда хуник аёл, ҳар хил қиёфаларга қирувчи маҳлуқ; ифлосланган сув ҳавзаларига яқин масканларда, ташландик уйларда макон топган.

Кўп ҳолатларда янги тўққан аёлларга зиён келтирувчи жонзод. В.Н.Басиловнинг таъкидлашича, алвасти индоевропа ва семит этник жамоаларининг алоқалари даврида шаклланган мифологик образ ҳисобланади [Литвинский 1990: 37].

Алвасти мифологемасининг келиб чиқиш тарихи этнограф олим Г.Асатрян фикрича Кавказ, Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг фольклоридаги *Āl* иблисона, ёвуз образ билан боғланади. Мазкур ёвуз маҳлуқ инсоннинг демографик ўсиши ва ривожланишига тусқинлик қилувчи бўлиб, асосан диққат эътибор марказида болалар турган. Ваҳоланки, айрим халқлар мифологиясида шу каби вазифани бажарувчи маҳлуқлар аёл образида эмас эркак образида ҳам гавдаланган *Āl* (*Ālk*).

Армян мифологиясида *al* иблис каби фазилатларга эга бўлиб, унинг ташқи кўриниши қўйидагича тасвирланади: темир ўткир тишли, тўзғиган сочли, мис тирноқли, сўйлоқ тишли, кампир каби шалпайган танали, кўзлари

оловий, юзи кизил, бурни илойдан. Севимли машхулоти – янги туғилган чақалоқларнинг ўқпаларин, жигар ва юрагин ўғирлаш, хомиладор аёлларнинг хомиласин нобуд қилувчи маҳлуқ. Этнографик ва фолклор манбаларда айтилишича чақалоқни алвасти чиллада риюя қилинмаган айрим ҳолатлар сабаб ўзи билан олиб кетиб, ўрнига шайтон боласин ташлаб кетар экан. Қадимги туркий тилларининг этимологик луғатидан “al” сўзининг маъноси кизил деб берилган, шу билан ҳам мифологемага берилган таърифлар мос келишин кўриш мумкин.

Албастидан чақалоқни асраш мақсадида, Яқин шарқ халқлар вақиллари чақалоқ тепасига қилич, пичоқ, қайчи, сармосқ пиёз ёки пиёз қўйишган. Жумладан, Хуросон халқлари чақалоқларнинг юзига куя суриб қўйиш билан ҳам фарзандларин албастидан омон асраб қолишган. Қорақалпоқ халқларининг ҳозирги кунги анаъаналари ичида ҳам, агар чақалоқ биринчи марта жамоа йиғилган жойга чиқса “кўз тегмасин”, “назар ўтиб кетмасин” деган мақсадда ҳар хил рангдаги сиёқ ёки куя сўришади. Қўшимча чақалоқ ва онасин албастидан омон олиб қолиш учун боланинг бош томонига нон, асал, ёғ ва сув қўйишган. Шу каби, ҳодиса қорақалпоқ халқлари айрим анъаналарда хали-хонуз сақланиб қолган ва қўлланилиб келинади, аммо уларнинг функционал маънолари ўзгариб кетган. Ҳозирда нон чақалоқ тепасига қўйилади, бола тўқ ётиш учун деб таърифланади, чунончи асил мақсад чақалоқни албастидан омон асраш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак олам мифологик манзарасидаги мифологемалар умум илдизли туркий халқларда универсал воқеланади. Аммо, лисоний ва миллий олам манзараларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Олам мифологик манзарасин гавдалантирадиган мифологемалар ҳар бир халқнинг индивидуал миллий портретин тўлиқ воқелантиришга ёрдам берадиган лисоний воситалар ҳисобланади. Лисоний воситаларнинг функционал семантик вазифалари даврлар мобайнида ўзгариб келган ва ўзининг асл маъноларидан силжиган ҳолда қўлланилиб келмоқда.

Библиография

1. Бабайцева В. В., Беднарская Л. Д. Комплексный анализ текста на уроке русского языка: VIII-XI кл.: при изучении син-таксиса по учеб. комплексу для VI-XI кл. // Русская словесность. 1997. № 3. С. 57-61.
2. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии// Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности: сб.науч.тр. Волгоград: Перемена, 2001. С. 3-16.
3. Кдирбаева Г., Калиева Н. Одам концептосферасининг миф ва афсоналарда воқеланиши/VIII международный симпозиум исследований тюркского мира, 2-5 июня 2021 г.Нийде.
4. Литвинский Б.А.Этногенез и этническая история народов Средней Азии и Казахстана в древности и средневековье (теоретический аспект) // Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. М., 1990. Т. 1. С. 21-41.
5. Маслова В. А. Лингвокультурология: учеб. пособие. М.: Академия, 2004. 208 Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – Москва: Флинта –Наука, 2007. – 296 с.
6. Молчанова Е.К. Албасты и Кивина в иранской мифологии, или кто вредит роженицам и новорождённым. DOI: 10.31696/2587-9502-2020-27-242-245.
7. <https://tatarica.org/ru/razdely/narody/tatary/verovaniya-i-mifologiya/mifologicheskie-personazhi/albasty>